

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****520 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2290*

(2011 йил 22 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 8-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 йил, 8-сон, 47-модда)га мувофиқ **буюраман:**

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Канъазов зиммасига юклансин.

Вазир

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 12 декабрь,
264-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги
264-мх-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва
тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон
базалари яратиш
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 йил, 1-2-сон, 8-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 йил 8-сон, 47-модда) мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатишни, шунингдек қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари (қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари) яратиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларни расмий ва норасмий нашрларда, шунингдек қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимларида эълон қилиш орқали тарқатилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 25-моддасига мувофиқ қуйидагилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари ҳисобланади:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси»;

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»;

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами»;

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг расмий нашрлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламларининг, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»ни расмий нашр этилишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 32-моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўпламлари ва мажмуаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нашр этади ёхуд уларни бошқа органлар ва ташкилотлар нашр этиши тўғрисида топшириқлар беради. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир тизимга солинган мажмуаларини нашр этади.

4. Ушбу Қоидаларнинг 2 ва 3-бандларида кўрсатиб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари ва нашрлар расмий нашрлар ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами» қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрлари ҳисобланади.

Ушбу Қоидаларнинг 2 ва 3-бандларида назарда тутилмаган нашрлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг норасмий манбалари ҳисобланади (норасмий нашрлар).

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий нашрларда эълон қилиш ва тарқатиш

5. Қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрлари давлат тилида, талабни ҳисобга олган ҳолда бошқа тилларда ҳам нашр этилади.

6. Қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларига янгидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари киритилади.

Қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларида эълон қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар изчил тадрижий тартибда, тегишли тартиб рақамлари бўлган моддаларга жойлаштирилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловалар ҳам ҳужжатлар жойлаштирилган моддаларга жойлаштирилади.

Агар, қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бир қисми эълон қилинаётган бўлса, ҳужжат номидан кейин «Кўчирма» деган ёзув киритилади.

7. Қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларида эълон қилинади-

ган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ушбу ҳужжатни қабул қилган орган томонидан жўнатиладиган расмий матнга (расмий тарқатма) мувофиқ бўлиши шарт.

8. Қонун ҳужжатларининг расмий нашрларида эълон қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнини норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий тарқатма орқали жўнатиладиган матнига ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаларида эълон қилинган матнига мувофиқлиги матни босма махсулотни эълон қилиш талабларига мувофиқ ўқиш, корректурасини текшириш йўли билан таъминланади.

9. Кодекслар ва бошқа катта ҳажмдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матни қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларига илова кўришида эълон қилиниши мумкин.

10. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаси «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», бошқа қонун ҳужжатлари тўпламлари, кодексларни расмий нашр қилишни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси томонидан амалга оширилади.

11. Кодекслар, қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр қилишда улар нашр қилинаётган санага мос равишда назорат ҳолатига келтирилган бўлиши лозим.

Титул варағида эълон қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қайси санагача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги кўрсатилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларида эълон қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг реквизитлари ва расмий манбалари қуйидаги тартибда кўрсатилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат янги таҳрирда берилаётган бўлса унинг номи ва реквизитларидан кейин курсив билан қайси ҳужжатга асосан янги таҳрирда берилаётганлиги кўрсатилади;

агар қонуннинг бўлими, кичик бўлими, боби, параграфи, моддаси ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бўлими, кичик бўлими, банди янги таҳрирда берилаётган бўлса ёхуд уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлса, бўлим, кичик бўлим, боб, параграф, модда (банд) охирида янги хатбошида, қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан улар янги таҳрирда берилаётганлиги ёхуд ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётганлиги курсивда кўрсатилади;

агар қонун моддасининг қисми, банди, хатбошиси ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат бандининг хатбошиси янги таҳрирда берилаётган бўлса ёхуд уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлса, қисм, банд, кичик банд, хатбоши охирида қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан ушбу норма янги таҳрирда берилаётгани ёхуд унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани курсивда кўрсатилади.

12. Қонун ҳужжатлари тўпламларига ҳуқуқнинг алоҳида соҳасига тегишли бўлган ёхуд у ёки бу ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатлари киритилади.

Қонун ҳужжатлари тўпламларига ушбу тўплам мавзусига мос бўлган қонун ҳужжатлари тўлалигича ёхуд уларнинг бўлими, кичик бўлими, боби, параграфи, моддаси, банди ва ҳ. к. киритилади. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи, рақами, қабул қилинган санаси, эълон қилинган расмий манбаси тўлиқ кўрсатилади. Агар тўпламда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бир қисмидан фойдаланилган бўлса, номидан сўнг «Кўчирма» деган ёзув киритилади.

III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилиш ва тарқатиш

13. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилиш барча давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари, бошқа юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

14. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилиш билан шуғулланувчи юридик шахслар ўз фаолиятини лицензия асосида амалга оширади.

15. Норасмий нашрларда эълон қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасида кўрсатилган барча реквизитлар (имзодан ташқари), шунингдек уларни эълон қилишнинг расмий манбалари кўрсатилган бўлиши керак.

16. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаларида эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матнларидан фойдаланилади.

17. Кодекслар, қонун ҳужжатлари тўпламларини норасмий нашр қилишда, ушбу Қоидаларнинг 11 ва 12-бандларида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниши лозим.

18. Норасмий нашрларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг норасмий таржимаси эълон қилиниши мумкин. Бунда мазкур таржималар норасмий таржима эканлиги ҳақидаги белгига эга бўлиши лозим.

IV. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатиш

19. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари, шу жумладан Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси орқали тарқатилиши мумкин.

20. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга, фақатгина норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий нашрларда эълон қилингандан сўнг, расмий нашрларда эълон қилинган барча реквизитлари (имзодан ташқари) кўрсатилган ҳолда йўл қўйилади. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий нашрдаги матни сўзма-сўз такрорланиши ва уларнинг назорат ҳолати таъминланмоғи лозим.

21. Давлат органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг электрон шакллари уларнинг расмий веб-сайтларида эълон жойлаштирилади.

22. Қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимларида жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матнига қўшилган норасмий шарҳлар ва бошқа тушунтирувчи маълумотлар, ўзининг баён қилиниш усули бўйича (шрифти, ранги ва ҳ. к.) фарқланиши лозим.

23. Қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш билан шуғулланувчи шахслар, ўз маҳсулотини реализация қилишда эълон қилинаётган ҳужжатларнинг назорат ҳолати қайси санагача таъминланганлигини кўрсатишлари лозим.

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг туркумланган давлат ягона электрон базаси ҳисобланган Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (кейинги ўринларда — ҚХММБ)ни юритиш ташкил этилади.

25. Ўзбекистон Республикаси ҚХММБга:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик Суди Пленуми қарорларининг матнлари жойлаштирилади.

ҚХММБга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, техник ҳужжатлар, шунингдек бошқа ҳужжатлар жойлаштирилиши мумкин.

26. Қонун ҳужжатларини кейинчалик ҚХММБга киритиш учун ишлов бериш тартиби Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан тасдиқланадиган норматив ҳужжатларни ҚХММБга киритиш учун ишлов бериш тўғрисидаги йўриқнома билан белгиланади.

27. ҚХММБдан фойдаланиш Интернет тармоғи орқали текин амалга оширилади.

28. ҚХММБдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори, қонунчиликнинг мавзули қўлланмаси ва алфавит предметли кўрсаткич ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг рекузитларига кўра туркумланади.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Меъёрий-ҳуқуқий ҳуж-

жатларни тарқатиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 12-бандига мувофиқ, ҚХММБда қўлланган қонунчилик классификацияси Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларида қонун ҳужжатларини туркумлашда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификаторини тижорат мақсадлари учун маълумотларнинг туркумланган базасида қўллашда эталон ҳисобланади.

30. ҚХММБ ҳужжатларнинг келишига ва ишлов берилишига қараб, бироқ унинг расман эълон қилинганидан бошлаб бир ҳафтадан кечикмасдан янгиланади.

31. ҚХММБни шакллантириш ва доимий равишда янгилаб бориш, белгиланган тартибда электрон маълумотлар базасига улашни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан амалга оширилади.

V. Яқуний қоидалар

32. Агарда норматив-ҳуқуқий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаларида эълон қилинганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий тарқатмаси билан таққослаганда унинг матнида хатоликларга, ҳарфий хатоларга, бошқа номувофиқликларга йўл қўйилган бўлса, улар аниқлангандан бошлаб, нашрнинг кейинги сонида тегишли тузатишлар эълон қилинади.

Агарда расмий нашрларда, шунингдек норасмий нашрларда, шу жумладан газеталар, журналлар, ахборотномалар ва ҳ. к. ларда хатоликларга, ҳарфий хатоларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаси билан солиштирганда бошқа ноаниқликларга йўл қўйилган бўлса, ношир ушбу камчиликлар аниқланган кундан бошлаб, 30 календарь кундан ошмаган муддатда уларнинг бартараф этилишини таъминлайди, ушбу Қоидаларнинг 2-бандида кўрсатилган нашрлар бундан мустасно. Аниқланган ноаниқликларни бартараф этиш, қоида тарикасида, тегишли тузатишларни республика даврий нашрларида (газеталар, журналлар, ахборотномалар ва ҳ. к.) ёки норасмий нашрнинг кейинги сонида (чиқишида) эълон қилиш йўли билан амалга оширилади.

Агарда қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимларида хатоликларга, ҳарфий хатоларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаси билан солиштирганда бошқа ноаниқликларга йўл қўйилган бўлса, уларни аниқлаган шахс қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш билан шуғулланувчи шахсга йўл қўйилган ноаниқликларни бартараф этиш ҳақида ёзма хабар бериши мумкин. Бунда, қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш билан шуғулланувчи шахс бир ҳафта муддатда йўл қўйилган ноаниқликларни бартараф этиши шарт.

33. Мазкур Қоидалар талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

34. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган.

*Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги бош директори*

Б. АЛИМОВ

2011 йил 12 декабрь

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги бош директори*

Х. МУХИТДИНОВ

2011 йил 12 декабрь